

МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК–ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Elboyeva Shaxnoza Buriniyozovna
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti
“Ijtimoiy fanlar” kafedrasida katta o’qituvchisi

АННОТАЦИЯ

Миллатлараро муносабатлар дунёдаги ҳар бир давлатда ўзининг тарихи, хусусиятларига эга бўлган, жамиятнинг энг нозик ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммоларидан биридир. Мақолада, Миллатлараро тотувлик, кўп миллатлар яшаётган мамлакат ҳудудидаги турли миллат ва элат вакилларининг ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳамкорликда яшашлари, уларнинг онги ва қалбида ягона Ватан туйғуларининг мустаҳкамлиги, унинг истиқболи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш ва фидойилик кўрсатиш руҳиятининг амал қилишини тушуниш мумкин.

Kalit so'zlar: *Миллатлараро тотувлик, конфессия, Мустақил Ўзбекистон, миллат ва элат, миллий-маданий марказ, миллий ўзлик, халқ дипломатияси.*

ABSTRACT

Interethnic relations are one of the most delicate and complex socio-political problems in the world, and each country has its own history and characteristics. The article talks about interethnic harmony in a multinational country, unity and solidarity of different nationalities and ethnic groups, a combination of patriotism, hard work and a strong spirit of devotion to the future in their minds and hearts.

Key words: *interethnic harmony, confession, independent Uzbekistan, nation and people, national cultural center, national identity, people's diplomacy.*

АННОТАЦИЯ

Межэтнические отношения являются одной из самых деликатных и сложных социально-политических проблем в мире, причем каждая страна имеет свою историю и особенности. В статье говорится о межнациональном согласии в многонациональной стране, единстве и солидарности разных национальностей и этносов, сочетании патриотизма, трудолюбия и крепкого духа преданности будущему в их сознании и сердце.

Ключевые слова: *межнациональное согласие, конфессия, независимый Узбекистан, нация и народ, национально-культурный центр, национальное самосознание, народная дипломатия.*

КИРИШ

Миллатлараро тотувликни таъминлашнинг асосий омили мамлакат худудида яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, манфаатларни уйғунлаштириш ва ягона мақсад сари ва Ватанни тараққий эттишга йўналтириш ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, миллий ўзликни англаш жадал суръатлар билан ўсиб кетишига қарамасдан, Ўзбекистонда миллатлараро ва фуқаролараро низоларнинг бўлмаганлиги, уларнинг олди олинганлиги ўзбек миллати учун вазминлик, бағрикенглик ва бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш каби фазилатли хусусиятлар билан боғлиқдир.

Миллатлараро муносабатлардаги шундай бағрикенгликни бугунги кунда ҳам кўришимиз мумкин. “Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади”. Аслида, 1990 йилларда собиқ СССР тизимида бўлган иттифоқдош республикаларда бўлгани каби парокандалик, тараққиёт йўлининг ноаниқлиги Ўзбекистонда ҳам бўлган эди. Аммо ўзбек халқининг ўзига хос теран ақл-заковати, босиқлик, вазминлик хусусиятлари, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг вазиятни тўғри англаб, шунга мос равишда сиёсат олиб бориши парокандалик бўлишига йўл қўймади. Ўзбеклар ўз атрофида яшаётган бошқа миллат ва элат вакилларига нисбатан дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, ўзбек халқига хос меҳр-оқибат туйғуларини сақлаб қола олганлиги миллий ўзликни англашдаги яна бир хусусият ҳисобланади. Бу эса, миллатлараро ва миллий муносабатлардаги халқимизга хос азалий юксак маънавиятини кўрсатса, давлатимизнинг эса, бу соҳадаги оқилона миллий сиёсатини билдиради. Аммо хотиржамликка берилмаслик зарур. Ўзаро тотув яшаётган миллатлар ўртасига раҳна солувчи кучлар ҳар доим ҳам топилади. “Миллатлараро ҳамжиҳатликка раҳна солувчи иллат бу - тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай зарарли ғоялар таъсирига тушган жамият ҳалокатга юз тутиши муқаррар. Ўзбекистон худудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади” .

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганидек: “Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз-бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир” .

МЕТОДЛАР

Тадқиқот жараёнида қиёсий таққослаш, мантиқий ва абстракт фикрлаш усулларида фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Мустақил Ўзбекистоннинг юксалиши, ўзбек миллати гуллаб-яшнашининг тарафдори бўлган ҳар бир ўзбекистонлик фуқаро миллатлараро тотувлик, дўстлик қоидаларига содиқ бўлиши керак. Чунки, мустақил давлатимизнинг келажаги биринчи навбатда, ўзбек халқининг ўзлигини қанчалик англаб етганлигига ҳамда мамлакатимиз ҳудудида ўзбеклар ва бошқа миллат, халқ вакиллари билан ёнма-ён истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг миллати, дини, тили ва эътиқодларидан қатъи назар, бир-бирининг кўнгилни ола билишига, улар ўртасида дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига боғлиқ. “Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечириётгани-истиқлол даврида эришган энг муҳим ютуқларимиздан биридир”. Улар ўзбеклар билан бир қаторда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланмоқдалар. Мамлакатимизда ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари, расм-русумларини тиклашга, тарихий ватан билан алоқа ва муносабатларини боғлашга, миллий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиб берилган. Бу эса мамлакатимиз барқарор ривожланишининг кафолатидир. “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъий назар, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши–бизнинг бош мақсадимиздир”. Бу мақсад йўлида, янги Ўзбекистонни миллий юксалиш сари тараққий эттиришда, юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари ўзбек халқи билан ёнма-ён туриб меҳнат қилишлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилган.

Маданий-маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлари юксак тарзда ҳимоя этилган. Ҳар бир миллатларнинг миллий-маданий марказлари фаолият юритиб келмоқда. Юртимизда миллатларнинг ўзлигини англаш ривожланиши ҳам миллатлараро муносабатларнинг барқарор кечишини таъминлайди. Демак, миллий ўзлигимизни англаш ривожланишига ҳам шарт шароит яратилгани - миллатлараро тотувликни таъминлашни янада талаб даражасига олиб чиқади.

биринчидан, мустақилликни мустаҳкамлаш, уни абадийлаштириш, мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлаш, жаҳон цивилизацияси тан олаётган умуминсоний кадрят ва тамойилларга амал қилиб боришимиз;

иккинчидан, халқларнинг миллий ўзлигини англаб бориши билан, аждодларимизнинг бой меросини ўзлаштиришимиз, уни ёш авлодга сингдириб боришимиз ва унга содиқ қолишимиз;

учинчидан, миллий ўзлгимизни англаш ҳодисасининг муҳим ноёб ва нозик жиҳатларидан бири - ўзбек миллати билан ёнма-ён яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳурмат бажо келтиришимиз;

тўртинчидан, юртимиздаги турли миллий-маданий марказларни, диний конфессияларни эркин ва тенг фаолият юритишларини таъминлаш орқали, турли миллат ва элатларнинг ўз миллий манфаатларини амалга оширишни янада юксак таъминлаш имконини беради.

Юртимиздаги барча халқлар миллий маънавиятининг юксалиши эса миллий ўзликни англаш ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаб бориш имкониятини оширади¹.

Миллатлараро тотувликни амал қилиши ҳар бир мамлакатдаги титул миллатнинг юксак маънавиятга эга эканлиги билан боғлиқ бўлади. Чунки у бошқа миллат ва элат вакилларини ўз атрофида уйғунлаштиради ҳамда уларнинг эркин тараққий қилиши учун ғамхўрлик қилишга қодир бўлади.

Сўнгги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири — жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари турмушга фаол татбиқ этилмоқда, бу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари миллатидан қатъи назар Ўзбекистон халқини ташкил этишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини эълон қилади ва кафолатлайди. Ушбу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар

¹Р. Маматкулов. “Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, миллий, диний ва сиёсий бағрикенгликни янада ривожлантиришнинг ижтимоий, фалсафий масалалари” Республика илмий-амалий конференцияси мақоалари тўплами. 2020 йил 21 май. Т.: ТДИУ, 2020. 199-202 бет.

билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини юритмоқда ҳамда жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини изчил амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари тақдим этган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодийнинг турли тармоқларида ва ижтимоий соҳада, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилиб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Амалга оширилаётган устувор йўналишлар суръатини, кенг кўламли демократик ислохотларни, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан эркинлаштириш ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларида эришилган салмоқли муваффақиятлар таҳлили Ўзбекистон халқи ягона ғоя-Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича олижаноб мақсадлар ва ғоят муҳим вазифаларга эришишдан иборат ягона мақсад атрофида бирлашганлигини таъкидлаш учун барча асосларни беради.

Шу билан бирга, халқаро ва минтақавий муносабатларда давом этаётган глобаллашув ва трансформация, дунёда иқтисодий, сиёсий, миллий, диний ва бошқа зиддиятлар кучайиб, ахборот ва кибермаконларида қарама-қарши кураш ортиб бораётган бир шароитда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида ўз ечимини тақозо этаётган бир қатор долзарб масалалар сақланиб қолмоқда, қуйидагилар шулар жумласидан:

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш;

жамиятда юзага келиши мумкин бўлган можароли вазиятлар ва ихтилофларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш бўйича фаолиятни ташкил этиш асоси сифатида жойларда миллатлараро муносабатлар ҳолатини мониторинг қилиш тизими ва механизмларини йўлга қўйиш;

миллатлараро муомала маданиятини тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи ва анъаналарини ўрганиш бўйича таълим, ахборот ва маданий-маърифий чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари мутахассисларини, шунингдек, бошқа ташкилотлар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларни такомиллаштириш.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ва янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

- миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш;

- миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш, республикада яшаб турган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун қўшимча ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

- жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини, республикада яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик;

- миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва хориждаги ўзбек диаспоралари билан яқин ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш;

МУНОЗАРА

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги устувор мақсадларни, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Қуйидагилар ташкил этилаётган Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- миллатлараро муносабатлар соҳасида тизимли асосда илмий, шу жумладан ижтимоий тадқиқотлар, шунингдек, мазкур йўналишдаги жараёнлар ривожининг мониторингини олиб бориш;

- миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий мақолалар, китоблар, илмий-тадқиқот материаллари, ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрлаш ва эълон қилиш;

- етакчи маҳаллий ва хорижий олимлар, экспертлар ва мутахассислар иштирокида миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари, маърузалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этишда хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон шароитида ана шу тажрибадан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда миллатчилик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган можароли вазиятлар ва ихтилофларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, шунингдек, мазкур соҳадаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш².

Жумладан, миллий масала давлатларда миллий хавфсизлик тушунчасини шакллантирувчи таъсирчан омиллардан бири бўлиб, бу масалаларнинг баъзи давлатларда ўз ечимини топа олмаётганлиги давлатларнинг миллий хавфсизлигига путур етказувчи омилга айланиб бораётганлиги сир эмас. Зеро, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов бу масала хусусида тўхталиб, шундай деган эдилар: “

² Қаранг: Ш.Мирзиёев. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. Тошкент ш., 2019 йил 15 ноябрь, ПФ-5876-сон

Миллатлараро муносабатларда уйғунлик бўлмаслиги нафақат айрим давлатларнинг, балки бутун минтақаларнинг ҳам ички сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига путур етказувчи бош омилга айланган³.”

Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг миллий муносабатлардаги тотувлик ижтимоий адолат мезонлари асосида амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳар бир халқнинг маданияти, ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида қаралди.

Турли миллатлар, элатлар ўртасидаги ҳамкорлик мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг асосий йўллари билан бири сифатида қаралди. Зеро, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни изга солиш республикада истиқомат қилаётган турли элат ва миллат вакиллари ўртасидаги бирдамлик, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳаракат қилар экан, бу борадаги вазифаларни ҳал этишда тарих сабоқларидан ҳолисона хулоса чиқаришнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Даврлар тажрибаси кўрсатишича, ҳар бир давлат ўзининг тараққиёт йўлида жамиятнинг ғоявий, мафкуравий бирлигига таянган. Оламшумул тарихий жараённинг бир бўлаги Ўзбекистон тарихини барча тарихий даврларда унинг ҳудудида яшаган қабила ва халқлар тарихидан ажратиб бўлмайди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадим замонлардан бери бугунга қадар турли-туман этнослар яшаб келган. Узоқ давр мобайнида бу ҳудудда ҳукмдорлар, сулолалар ва давлатлар алмашилиб турган. Шу билан бирга ушбу ҳудудда мавжуд бўлган анънавий маҳаллий этнослар билан бир қаторда, уларга ташқаридан доимий келиб қўшилувчи этносларнинг аралашуви ва уйғунлашиб кетишининг узоқ давом этган жараёни ҳам тарихий воқеликка айланган. Республика миллий-маданий марказлари кўплаб йўналишларида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Булар тарихий-этнографик, маданий-маърифий, мусиқали, илмий-оммабоп, илмий, ахборот ва ижтимоий-хайрия билан боғлиқ тадбирларда аниқ кўринади. Турли маданий марказлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, маданий чиқишлар муҳим. Туркистон халқлари, шу жумладан, ўзбек ва қозоқ халқлари ҳам ягона Ватан-кўҳна Турон-Туркистоннинг бошидан ўтказган сиёсий вазиятларидан қаъти назар, доимо ўзаро яқинлашув, бирлашув, оддий айтганда борди-келди, олди-берди тарафдорлари бўлганлар. Эл бошига кулфат тушган энг оғир даврларда ҳам улар бир-бирларини тарк этмай, ўзаро елкадош бўлиб турганлар. Шу

³ Қаранг: Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998. – В. 471

маънода, марказ раҳбари Абу Наср Форобийнинг қуйидаги сўзларини келтиради: “Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ-фазилатли халқдир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ги ПФ-4947-сонли фармони. 2017-йил 7-феврал.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
4. Каримов И.А. Инсон хотираси - боқий, қадр-қиммати – улуғ. “ Халқ сўзи”, 2012-йил 10-май.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
7. Қурбонова М. Б. Бухоро воҳаси миллатларо бағрикенглики ўлкаси. // Модернизация, инновацион тараққиёт ва толерантлик ривожини истиқболлари. Республика илмий конференция материаллари тўплами. 3-китоб. Т., 2010. – Б. 5.
8. Сафаров И. Миллий-маданий марказлар фаолиятдан. “Видергебурт” ҳамкорликка чорлайди./ Бухоронома. 2001 йил, 11 апрель.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. “Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси”, 22 январь 2021 й.,
10. Мусаев Д. О. Миллий сиёсат ва миллий-маданий марказлар. //Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. № 3. – Б. 155-156.